

**Кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари**

(ТДТУ) доцент *Арсланбеков С.М.*

Ривожланган хорижий давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва саноатнинг технологик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишининг муҳим механизмларидан бири индустрисал парклар, технополислар ва саноат зоналари ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 тадан, Германияда 200 та, Туркияда 262 та, Вьетнамда 200 га яқин индустрисал парклар фаолият юритмоқда [1]. Мазкур зоналар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик базасини шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий этиш ҳамда илм-фан сиғими юқори маҳсулотлар яратиш ва хизмат кўрсатишни таъминлашда асос ролини ўйнамоқда.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқришни жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшувчи кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу борада “миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, худудларнинг мавжуд саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш” [2]. вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирда мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш орқали давлатнинг саноат сиёсатини амалга ошириш, кичик саноат зоналари жойлашган худудларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, худудлардаги фойдаланилмаётган хомашё, меҳнат ва молия ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, корхоналар ўртасида кооперацион

алоқаларни кучайтириш натижасида синергетик самарага эришишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сон “Давлат мулки обьектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-сон “Зарар кўриб ишләётган, иқтисодий начор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ҳудудларини ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2014 йил 31 декабрдаги 378-сон “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосий масаладир.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### *Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:*

- кичик саноат зоналарни барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамиятини ёритиб бериш;
- кичик саноат зоналарни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш;
- кичик саноат зоналарда тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича ижтимоий, иқтисодий ва экологик мезонлар тизимини ишлаб чиқиши;

- кичик саноат зоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга асос бўлувчи базис тамойилларни тартиблаштириш, улар самарадорлигини баҳолашнинг мониторинг кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни тизимлаштириш;
- кичик саноат зоналарни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш;
- худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражасини интеграл баҳолаш ва шу асосда кичик саноат зоналарни турларга ажратиш ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаш;
- Ўзбекистонда гринфилд кичик саноат зоналарини барпо этишда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш механизмларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида кластер кўринишда фойдаланиш борасида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Кластерни барпо этишнинг хориж тажрибаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, КСЗларда кластерни ташкил этиш қўйидаги шартларнинг бажарилишини талаб этади:

1. Кооперацион алоқага эга ва интенсив ривожланишдан манфаатдор кичик корхоналар мавжудлиги.
2. Тор ихтисослашувга эга ва аутсорсинг бўйича айрим ишларни қабул қилиш имкониятига эга кичик бизнес мавжудлиги.
3. Худудда илмий база ва маълум малакага эга ишчи кучини ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги.
4. Инновацион ишлаб чиқариш инфратузулма: бизнес-инкубатор, кластерни ривожлантириш маркази.
5. Маҳаллий ҳокимият органида КСЗни стратегик ривожлантириш режаси мавжудлиги.

### **Адабиётлар / References:**

1. Смольянинова Т.Ю. Индустримальные парки в региональной экономике: механизм создания, преспективы развития, автореферат диссертации. – Воронеж, 2015.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Шакирова, Ф. (2023). АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛANIШ НАЗАРИЯСИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(S/5).
4. Шакирова, Ф. (2023). ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(12/1).
5. Shakirova, F. B. (2023). STRATEGIES FOR INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE VENTURE BIZNES. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(4).